



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 11 апрель, № 70 (6000)

Жума

«ТАШАББУС — 2014»:

## ИЗЛАНИШ, ФАОЛЛИК, РАҒБАТ

“Туркистон” санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида ўтказилган “Ташаббус — 2014” кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

### КўРИК-ТАНЛОВ

Мустақиллик йилларида иқтисодий ҳаётнинг етакчи соҳаларига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳамда хунармандчилик бугунги кунда давлатимиз ва жамиятимиз ривожига ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда. Улар ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулот ва хизматлар билан тўлдирётгани, экспорт салоҳиятини юксалтиришдаги ҳиссаси муттасил ошиб бораётгани, энг асосийси, ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий жараёнларда фаоллик кўрсатаётгани бунинг яққол далилидир. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, кичик бизнес шакли кичик бўлишига қарамадан, иқтисодий-иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.

Дарҳақиқат, 2000 йилда республикамиз ялпи ички маҳсулотининг 31 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2013 йилга келиб, бу кўрсаткич 55,8 фоизга етди. Шунингдек, айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг



23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодий тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келаяптики, буларнинг бари биз танлаган иқтисодий тараққиёт йўлининг нақадар тўри эканлигини, соҳа истиқболига қаратилган тизимли ислохотлар амалда ўзининг юксак натижаларини бераётганини аниқлатади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ташаббус” кўрик-танлови ҳам кичик ва ўрта синф вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, илгор тажрибаларни оммалаштириш, ёшларда эса тадбиркорликка иштиёқ уйғотишга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир. Бинобарин, у республикамизда фаолият кўрсатаётган

энг илгор тадбиркор, фермер ва хунармандлар учун нафақат беллашув, балки ўзаро тажриба алмашиш, фаолиятига замонавий технологиялар, инновацион ишланмаларни жалб этиш, жаҳон бозорига чиқиш учун йўлланма вазифини ўтаётгани.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, республика Фермерлари кенгаши, “Хунарманд” уюшмаси, шунингдек, тегишли вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлигида ташкил қилинган бу йилги

кўрик-танлов ўта қизғин ва юқори савияда ўтди. Бир ой давом этган ўзига хос бизнес-марафон жадал суръатларда ривожланаётган Ўзбекистон иқтисодий ҳаётининг чинакам кўзгусига айланди. Танловнинг туман (шаҳар), вилоят, сўнгра республика босқичлари доирасида ташкил қилинган кўрсаткичларни яқиндан кузатган мутахассислар ана шундай яқдил фикрга келишди.

(Давоми 2-бетда).

### Қисқа сатрларда

● Абу Райхон Беруний номида Тошкент давлат техника университетида қарашли “Фан ва тараққиёт” давлат унитар корхонаси илмий-технологик мажмуида маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида янги композицион материаллар олиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

● Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан уюштирилган “Ёш олимлар ва иқтидорли талабалар илмий фаолияти доимий эътиборда” мавзусидаги матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олди.

● Термиз шаҳрида асарларчиликни янада ривожлантириш, соҳага янги технологияларни жорий қилиш масалаларига бағишланган семинарда маҳаллий иқлимга мос асарларини кўпайтириш, асарлар оилаларини баҳорги текширувдан ўтказиш, касаланишининг олдини олиш ва зараркундандаларга қарши курашиш юзасидан тақдир ҳақида тавсиялар ишлаб чиқилди.

● Самарқанд шаҳрида ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган касб-хунар коллежлари битирувчиларига банклардан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳамда ишга жойлашиш бўйича кафолат хатлари топширилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## «Соғлом бола йили» Давлат дастури БМТ расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Ўзбекистон Республикасининг “Соғлом бола йили” Давлат дастури Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Бош ассамблеянинг 68-сессияси расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Унда, жумладан, жорий йил Ўзбекистон Республикасида Президент Ислам Каримов ташаббуси билан “Соғлом бола йили” деб эълон қилинган ҳамда тегишли Давлат дастури қабул қилинган ўз аксини топган.

Мазкур Давлат дастури ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг қонуний ва мантиқий давоми бўлди. Чунки мустақилликнинг илк кунларидан эътиборан ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом ва маъна-

вий баркамол авлод тарбиясига Ўзбекистонда устувор вазифа сифатида қараб келинади.

Энг муҳими, болаларимиз учун, халқимиз ва келажақ авлод фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ана шундай олижаноб фаолият изчил давом эттирилаётгани баробарида, унинг қўламини тобора кенгаймоқда. Натижалар эса яққол ва ҳамманинг кўзи ўнгида намоён бўлиб турибди.

Масалан, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилиш доираси-

да она ва бола саломатлигини муҳофаза этишининг миллий модели шаклландики, унинг юқори самарадорлиги бутун дунёда ўз эътирофини қозонди. Иқтисослаштирилган тиббиёт марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий тиббиёт тамойилларига ўтилишини ўз ичига олган биринчи бўғин соғлиқни сақлаш муассасаларининг кенг тармоғи яратилгани тўғрисидаги маълумотларни тўғри равишда баҳолаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вази-фаларини рўйга чиқаришдаги ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи олий орган, ҳокимият вакиллик органларининг Вазирлар Маҳма-

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тuzиш тўғрисида»ги 676-сонли Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 176-модда; 1999 йил, № 1, 27-модда; № 9, 239-модда; 2001 йил, № 9-10, 194-модда; 2004 йил, № 5, 101-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 3-4, 116-модда; № 5, 180-модда; 2007 йил, № 6, 255, 291-моддалар; № 8, 374, 383-моддалар; 2010 йил, № 3, 103-модда, № 8, 314-модда) қисман ўзгартишлар киритиб, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**  
1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2014 йил 3 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 890-II-сонли ва 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 892-II-сонли қарорларни маълумот учун қабул қилинсин.  
2. Қуйдагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари этиб сайлансин:  
Абдувахитов Абдуҷаббар Абдусат-

тарович — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Абдуназаров Олимжон Тоштемирович — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Сурхондарё вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи Артикова Светлана Баймирзаевна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Қурбанкулов Суяржон Машарипович — Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси Мирзаев Абдуманоб Кучкарлович — Фарғона вилояти табиғатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Норов Жалил Халилович — Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-

қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Навоий вилояти бўлими раиси Ражабов Эсанбай — Қашқадарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Сирожиiddин Шухрат Самаридинович — Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори Фаттоев Ёқуб Талабович — Бухоро вилояти Пешку тумани «Фаттоев» фермер хўжалиғи раҳбари Ходжакулов Эркин Гайбуллаевич — Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари М. Х. Аҳмедов, А. Дусбаев, Ю. У. Караев, С. С. Касимов, Г. Р. Рустамова, К. Тогаев, М. С. Ходжаев, У. Ш. Холов, А. Ширинов, С. Х. Шукуров, К. Т. Юсупов ва М. К. Якубованинг ваколатлари ўзлари берган аризаларга биноан тугатилган деб ҳисоблансин.  
4. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилсин.  
5. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 10 апрель



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 10 апрель кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақдир этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент муҳокамасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу Қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидаги мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги устувор вазибаларни белгилаб берган маърузасида баён этилган қоидалар ва ғояларга мувофиқ тайёрланган ва қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вази-фаларини рўйга чиқаришдаги ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи олий орган, ҳокимият вакиллик органларининг Вазирлар Маҳма-

си ва ижро этувчи органлар фаолияти устидан назорат қилиш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазибаларини амалга ошириш учун ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг бўлинишидан иборат конституциявий принципни амалга оширишнинг муҳим омилли бўлишини алоҳида қайд этдилар.

Қонун «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деб номланган мамлакатимиз тараққиётининг бош принципини амалга оширишни бундан буюн ҳам давом эттириш, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда демократиянинг бошқа умумэътироф этилган қадриятлари ва нормаларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган сиёсий тизимли шакллантиришда улкан аҳамиятга эга.

Асосий Қонунга парламент назорати институти киритилмоқда. Бош вазир лавозимига номзод парламентда унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда ҳукуматнинг яқин муддатта ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақидаги норманинг Конституцияга киритилиши демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган парламентаризм, кўппартиявийлик тизими ва партиялараро рақобат, фракциялараро курашни янада мустаҳкамлашда гоят муҳим аҳамият касб этади. Қонунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир энг муҳим масалалар юзасидан ҳукуматнинг ҳар йили ўз маърузаларини парламентга тақдим этиш мажбурияти ҳам назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сенаторлар Конституциянинг 98-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари ва ҳуқуқларини аниқлаштиришни ва кенгайтиришни назарда тутадиган нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши муҳимлигини таъкидладилар.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий сиёсатни, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, илм-фан, маданият, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун масъулият юклатилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ишини мувофиқлаштириш ва йўналтириш, қонунда белгиланган тартибда уларнинг фаолияти назорат қилинишини таъминлайди. Сенаторлар таъкидлаганларидек, Ўзбекистонни сиёсий ва конституциявий ривожлантириш мантигининг ўзи Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва масъулиятини таъминлашга қаратилган ушбу қоидаларни тақозо этмоқда.

Конституциянинг 32-моддасига киритилган тузатишлар ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги гоёт муҳим вазифаларни ҳал қилишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини анча кучайтиради. Ушбу модданинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини белгилаб берадиган нормаси бу ҳуқуқ давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилмоқда.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ва айни вақтда вакиллик органи олдидаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Конституциянинг 103-моддаси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини белгилайдиган норма билан тўлдирилмоқда. Ушбу ҳисоботлар бўйича халқ депутатлари Кенгашлари тегишли қарорлар қабул қилади.

Сенаторлар Конституциянинг 117-моддасига киритилган тузатишлар алоҳида аҳамиятга эгаллигини ҳам кўрсатиб ўтдилар. Бу тузатишлар парламент томонидан тузиладиган мустақил конституциявий орган сифатидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш, унинг ишлари ва мақомининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаб қўйди. Конституцияда Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллиги, қонунийлиги, коллегиялик, ошқоралик, одилликдан иборат асосий принциплари мустаҳкамланмоқда. Буларнинг барчаси сайлов тизимини янада демократлаштириш йўлидаги муҳим қадамдир. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ўзга чиккан сенаторлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Қонуннинг қоидалари чет эллик сиёсий арбоблар ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланаётганлигини, улар бу янгиликлар энг демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мослигини таъкидлаётганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Ушбу Қонунга мувофиқ, амалдаги қонун ҳужжатларининг нормалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган тузатишларга мувофиқлаштирилди.

Юқоридаги қонунларни муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар кайд этганларидек, уларнинг қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистонда демократик ислохотларни изчил рўёбга чиқариш мамлакатнинг барқарорлиги ва унинг ривожланишини таъминлашдаги ҳал қилувчи омил бўлади. Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбарининг мамлакатини янада демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ташаббусларини амалга ошириш муҳим халқаро аҳамиятга эга.

Сенаторлар халқаро вазият нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бутун жаҳон ҳамжамияти қатори Ўзбекистон ҳам Украина ва унинг атрофидаги вазиятдан ташвишланмаслиги мумкин эмаслигини таъкидладилар. Сенаторлар ушбу масала бўйича Ташқи ишлар вазирлигининг шу йил 4 ва 24 мартдаги баёнотларида билдирилган позицияни қўллаб-қувватлаб, Украинада юз бераётган воқеалар вазиятнинг жиддий мураккаблашуви ҳамда қарама-қаршиликка олиб келгани баробарида, улар тангликнинг янада кучайишини, олдиндан айтиш мумкин бўлган оқибатларни келтириб чиқариши, мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига жиддий хавф солиши мумкинлиги Ўзбекистонда чуқур хавотир ва ташвиш уйғотмаслиги мумкин эмаслигини кайд этдилар.

Сенаторлар юзага келган вазиятнинг бартараф этилишини, энг аввало, куч ишлатишлар қўлланилишидан воз кечилган ҳолда, вужудга келган муаммолар тинч йўл билан, сиёсий воситалар ва саъй-ҳаракатлардан фойдаланилган тарзда, халқаро ҳуқуқнинг асосий меъёрларига ҳамда БМТ Нисомига асосланган ҳолда, музокара-лар йўли билан ҳал этилишида кўрилади, деган фикрни билдирдилар.

Сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ижро этиш юзасидан тайёрланган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу Қонун фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш механизmlарини янада такомиллаштиришга, улар фаолиятининг шаффофлигини, очиклигини таъминлашга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги

«Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тadbиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-таdbирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини янги тахрирда кўриб чиқдилар.

Қонун корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатларини, ҳуқуқлари ва масъулиятини янада аниқ белгилаб қўйишга, бозор муносабатларини қўлланш амалиётини ҳамда уларни ривожлантиришнинг янги реал воқеликларини ҳисобга олган ҳолда акциядорлик жамиятлари қузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари ва тафтиш комиссияларининг ролини ҳамда аҳамиятини оширишга, акциядорлик компаниялари фаолиятининг шаффофлигини ва ҳамма акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятлари фаолиятига доир ахборотдан фойдаланиш имкониятини оширишга қаратилганлиги кайд этилди.

Сенаторларнинг фикрича, Қонун бозор ислохотларини янада демократлаштиришга ҳамда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини либераллаштиришга, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга, ўрта мулкдорлар синфининг иқтисодиётдаги аҳамиятини ва иштирокини оширишга, молия бозорига рақобатни янада чуқурлаштиришга, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Ялпи мажлисда ушбу Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини оширишга, уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини, кўрилаётган чораларнинг тизимлигини ва батариблигини таъминлашга, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларини тартибга соладиган кўп сонли ҳуқуқий нормаларни бир-хиллаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Парламент юқори палатаси вакилларининг фикрича, ушбу Қонуннинг

қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида яхлит норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш имконини беради, жойларда ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга, жамоат тартиби сақланишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган самарали, кўп босқичли профилактика тизимини яратишга ёрдам беради.

Ўзга сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрдаги «Судларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-таdbирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши қоидаларини амалга ошириш доирасида тайёрланган янги тахрирдаги Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Мажлисда кайд этилганидек, ушбу Низомнинг нормалари судьялар лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тизимини, барча даражалардаги судьяларнинг малака коллежалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштиришга, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Қонуннинг асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Қонун билан бир қатор қонунларга: «Нотариат тўғрисида»ги, «Алоқа тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатларини ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларга, Жиноят, Фуқаролик кодексларига, бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини чуқурлаштириш чораларини амалга оширишга, бу соҳадаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишига ёрдам беришга қаратилганлиги кайд этилди.

Ҳуқуқий маданиятни ошириш ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича қатор тadbирлар рўёбга чиқарилди.

Омбудсман томонидан фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларига бузилаётганлиги тўғрисидаги шикоятлари ва муросаатларини кўриб чиқишга, бу ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш бўйича қонуний чоралар кўришга алоҳида эътибор берилди. Ўзга вақтларда муросаатларни электрон почта орқали қабул қилиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, аҳоли ўртасида муросаатларнинг бошқа шакли — Омбудсман ва унинг Котибияти ходимларининг шахсий қабули ҳам кенг амал қилмоқда.

Муҳокама асосида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор истак ва тавсияларни баён этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

### «ТАШАББУС — 2014»:

## ИЗЛАНИШ, ФАОЛЛИК, РАҒБАТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

...Соат 18:00. «Ташаббус — 2014» республика кўрик-танловои голибларини аниқлаш ва тантанали тақдирлаш маросими бошланди.

Сухандонлар танловининг якуний босқичи иштирокчилари номларини эълон қила бошлайди. Сахнага Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган дастлабки босқичларда сараланиб, энг илгор, деб топилган 41 нафар иштирокчи чиқиб келади. Улар гулдурос қарсақлар билан кутиб олинди.

Юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб, барчага ибрат намунасини кўрсатаётган ушбу тadbиркор, фермер ва хунармандлар ҳар қанча тахсинга лойиқ, Зеро, ўн мингга яқин даъвогарлар орасидан иқтисодий ютуқлари билан танловнинг якуний босқичига етиб келишнинг ўзи олий шараф, юксак баҳодир.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз тadbиркорлари томонидан тайёрланаётган махсулотлар сифатининг юқорилиги, дизайн ва қадоқланиши жиҳатидан хоржики билан бемалол рақобатлаша олади. Танловнинг якуний босқичига йўланманги кўлга киритган тadbиркорларнинг аксарияти аллақачон ташқи бозорга чиқишга муваффақ бўлиб, катта ҳажмда экспорт амалиётларини бажариб келаётди. Мисол учун, Андижон вилоятидаги «Сезгин плюс», Жиззах вилоятидаги «Jizzax-Toshtera Tekstil», Наманган вилоятидаги «Ифтихор кийим саноат», Самарқанд вилоятидаги «Амин Инвест Интернейшнл», Сирдарё вилоятидаги «Sirdaryo-Mega-Luks», Тошкент вилоятидаги «Ezoza Business Group» масъулияти чекланган

жамиятлари ташқи бозордаги ўрнини йил сайин мустаҳкамлаб бораёпти. Шубҳасиз, бу каби экспортчи корхоналарнинг сафи кенгайишида давлатимиз раҳбари томонидан 2013 йил 8 августда имзоланган «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари экспортини



қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-таdbирлар тўғрисида»ги қарор кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Шу маънода, бу йилдан эътиборан танловга «Энг яхши экспортчи» қўшимча номинацияси киритилгани шундай ишбилармонларни рағбатлантиришда айни муҳим қадам бўлди.

Тadbирда кайд этилганидек, қишлоққа саноатни олиб кириш, маҳаллаларни ободонлаштириш, ҳудудлар қиёфасини замонавийлаштиришда фермерларнинг роли тобора юксалиб бораётди. Бундай натижага эришишда фермер ҳўжалиқларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш, соҳанинг ҳуқуқий асос ҳамда кафолатларини яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ер майдонларини мақбуллаштириш бора-

сида амалга оширилган комплекс чора-таdbирлар муҳим омил бўлди. Пироваддада бугунги фермерлар қишлоқ ҳўжалиқининг фақат деҳқончилик ёки чорвачилик тармоқлари билангина чегараланиб қолгани йўқ. Улар Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбе-



кестонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-таdbирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан, янгидан-янги йўналишларга кўл ураётгани, бундан элюр катта наф қўраётди.

Мамлакатимиз хунармандлари эришаётган ютуқлар ҳам бундан асло кам эмас. Уларнинг эмин-эркин меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилгани тинмай изланиб, хунармандчиликнинг халқимизга хос бўлган ноёб турларини қайта тиклашга катта рағбат бўлапти. Кўл меҳнати билан яратилаётган турфа хилдаги буюмлар эса жаҳоннинг кўллаб давлатларидagi санъат ихлосмандларининг шахсий коллекциялари дурдоналарига айланмоқда. Зеро, «Ташаббус» хунарманд-

ларни янгилик яратишга, завқ-лабиб ижод қилишга ундаётди. Хаяжонли дақиқалар бошланди. Нафақат танлов иштирокчилари, балки мухташам саройга йиғилган кенг жамоатчилик вакиллари интиқлик билан кутган онлар тобора яқинлашмоқда. Бу гал Президент соврин-



лари — Асакадаги автомобиль заводиди ишлаб чиқарилган 3 та «Spark» автомашинаси кимларга насиб қилар экан?!

Анъанага мувофиқ, «Ташаббус — 2014» республика кўрик-танловои голиблари учта асосий, шунингдек, бир қатор қўшимча номинациялар бўйича аниқланди.

Ва ниҳоят, ҳакамлар гайъатининг тугал хулосаси — голиблар номи эълон қилинди. Улар гулдурос қарсақлар остида сахнага чиқди.

«Ташаббус — 2014» республика кўрик-танловои Наманган шаҳридаги «Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анна Добрих «Энг яхши тadbиркор», Боёвут туманидаги «Ахмадий» фермер ҳўжалиги раҳбари Баҳодир Кенжаев «Энг яхши фермер», андижонлик уста хунарманд

Абдумалик Мадраимов «Энг яхши хунарманд» деган номга лойиқ топилди. Уларга олтин медаль, махсус диплом, Президент совгаси — «Spark» автомашиналарининг калити топширилди.

— Президент соврини мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган минглаб тadbиркорлар ичидан менга насиб этгани, айниқса, Соғлом бола йилида кўлга киритганим ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлди, — дейди «Энг яхши тadbиркор» йўналишида биринчи ўрин соҳибаси Анна Добрих. — Шундай юксак эътирофга ҳар доим муносиб бўлишга, билдирилган ишончни тadbиркорлик фаолиятимизни янада ривожлантириб, меҳнат муваффақиятларимиз билан оқлашга, иқтисодиётимиз ривожини, экспорт кўрсаткичлари яхшиланишига, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга бор куч-гайратимни бағишлайман.

Асосий йўналишлар бўйича иккинчи ва учинчи ўринни кўлга киритган тadbиркор, фермер ва хунармандлар диплом, пул мукофоти ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, «Энг ёш тadbиркор», «Энг яхши тadbиркор аёл», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тadbиркор», «Энг яхши оилавий бизнес соҳибини», «Менинг юртим — менинг ифтихорим» сингари қўшимча номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, рағбатлантирилди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқовлов иштирок этди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### «Соғлом бола йили» Давлат дастури БМТ расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган болалар ва аёллар учун жуда катта қулайлик яратди. Даволаш-профилактика муассасаларини модернизациялаш ҳамда энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун кейинги ўн йил мобайнида 750 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланди. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон жаҳонда болалар саломатлиги юзасидан энг яхши гамхўрлик кўрсатилган ўн та мамлакат сафиди туради.

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурининг амалга оширилиши натижалари ҳар томонлама баркамол ривожланган авлод тарбиясига қаратилган улкан эътиборнинг яна бир ёрқин тасдиғи бўла олади. Ўзбекистонда сифати халқаро меъёрларга жавоб берадиган 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган.

Шу билан бирга, жамиятда маънавиятни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитини, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар қамраб олинган. Оилада меҳр-муҳаббат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ҳамда маънавий қад-

риятларнинг шаклланиши, ёш оилаларнинг оёққа туриб олишида моддий ёрдам кўрсатилиши, оналик ва болалик муҳофазасининг таъминланиши, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ўзларини намоеён этишлари ҳамда кундалик рўзгор ташвишларини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш сингари биринчи галдаги вазифалар мазкур дастурда белгиланган.

Шубҳа йўқки, оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижор ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўзаро ҳамжиҳатликдаги фаолияти ҳисобидангина мамлакатимиз учун фавқулодда долзарб масала сифатида қўйилган ушбу вазифалар самарали тарзда ҳал этилиши мумкин.

Дастурда, бундан ташқари, бошқа эзгу ишларни ҳам ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Биз таянчимиз ва суянамиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашини келажимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эътибор ифодаси, деб биламиз».

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳақидаги ахборот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча расмий тиллари — инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларига таржима қилинди.

«Жаҳон» АА.

# Қулай ва сифатли

замонавий техникалар иқтисодий тармоқлари ривожда муҳим аҳамият касб этмоқда

Яқинда пойтахтимизда Жанубий Кореянинг "Doosan Infracore" холдинг компаниясининг Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликдаги "DISD" фирмасида ишлаб чиқарилган махсус қурилиш техникалари тақдимоти бўлиб ўтди.

## ТАҚДИМОТ

"TOW Co. Ltd" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиздаги қурилиш, қишлоқ хўжалиги, нефть-газ, йўлсозлик ҳамда бошқа қатор соҳалар вакиллари, тадбиркорлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

...1896 йили сеулик тадбиркор Пак Сунг Жик қишлоқ хўжалиги учун зарур техника воситалари етказиб бериш мақсадида кичик дўкон очганида, келгусида жондорлар шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. ...1896 йили сеулик тадбиркор Пак Сунг Жик қишлоқ хўжалиги учун зарур техника воситалари етказиб бериш мақсадида кичик дўкон очганида, келгусида жондорлар шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

компанияси ("ChosunMachine" заводи сифатида фаолиятини бошлаган) бугунги кунга келиб, нафақат ушбу тармоқдаги энг муҳим ишлаб чиқарувчилардан бирига айланди, балки барча турдаги халқ хўжалиги маҳсулотлари, қолаверса, энергетика ҳамда кимё соҳалари учун за-

рур техника усуналарини етказиб берувчи етакчи компания сифатида ҳам оламро ном қозонди.

Айтиш жоизки, "Doosan Infracore" холдинг компанияси ҳамкорлар билан ишлашда ўз олдига тўрт узвий мақсадни қўйган. Булар: сифат ва қулайлик, ишни янада тезлаштиришни таъминлайдиган энг замонавий техникани ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, эртанги кунга ишонч ҳамда ўз шерикларига, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, иш жараёнининг тўхтаб қолишига йўл қўймайдиган муддатларда барча техник кўмакни кўрсатиш.

Тақдимот маросимида бу яна

бир қарра намоён бўлди. Бинобарин, хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда тузилган "DISD" ("Doosan Infracore Shan Dong") компанияси томонидан Жанубий Кореялик муҳандислар лойиҳаси асосида Хитойнинг Сунжоу ва Шанхай шаҳарларида йиғилган, "Solar", "DX" русумидаги занжирли ҳамда гилдиракли экскаваторлар, "Mega", "DL" ва "SD" русумидаги кенг профили юклагичлар юртимиз ишбилармонлари ҳамда тегишли соҳалар вакилларида алоҳида қизиқиш уйғотди.

Тадбирда, айнисика, "Solar 210 W-V" русумидаги гилдиракли, "DX 225 LC" русумли занжирли экскаватор-



Бохтеёр АКРАМОВ олпон сурат.

## ИНТИЛИШ

Эътибор ва рағбат эзгу мақсадлар рўйиби, янгидан-янгидан изланишлар сари йўл очди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига берилаётган юксак эътибор ҳам мазкур тармоқ вакиллари юртимиз иқтисодий тараққиёти йўлида янада гайрат-шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда.

## Кичик бизнесга молиявий кўмак

Албатта, бу жараёнда молия муассасаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Улар томонидан ахратилаётган имтиёзли кредитлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш, қисқача айтганда, юртимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим омили бўлаётди.

Биз ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятига қўл урдик. Шу тариха Боғот туманининг чекка қишлоғи — Қўлқорабобда тазолачи воситалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик корхона ташкил этиш юзасидан бизнес-режа тузишга киришилди. Истикболли лойиҳамиз ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Хоразм минтақавий филиали мутасаддиларига маъқул тушди. Қўл ўтмай, молия муассасаси 350 миллион сўмлик кредит ажратди. Ушбу

маблаг ҳисобига дастлаб ишлаб чиқариш биноси барпо этдик. Сўнг хориждан кунига 2,5 тонна совун ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий ускуна олиб келиб ўрнатилди. Дастгоҳларни бошқариш учун қишлоғимиз ёшларидан 8 нафарини доимий ишга қабул қилдик.

"Изланиш — муваффақиятлар қалити", деб беҳиз айтишмаган экан. Утган йили маҳсулот сотишдан 254 миллион сўм даромад олишга муваффақ бўлдик. Шундан 27,7 миллион сўми соф фойдани ташкил этди. Ҳозир ички бозор талабларини мунтазам ўрғаниб бораёلمиз. Шу асосда ишлаб чиқариш тармоқларини янада кенгайтириш ҳамда жунни қайта ишлашни йўлга қўйишни мақсад қилганмиз. Албатта, мазкур лойиҳага рўйбеда ҳам "Қишлоқ қурилиш банк"нинг молиявий кўмагига суянаемиз.

**У. ҚўШНАЗАРОВ,**  
Боғот туманидаги  
«Явмут ниҳол»  
хусусий корхонаси раҳбари.

Ҳасан ТОШХҲАЕВ.

### Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар раҳбарлари диққатига!

## Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш бўйича

ТЕНДЕР (ТАНЛОВ) САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер (танлов)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашиши мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилмади.

**Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:**

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Чўпонота кўчаси, 7-уй.  
Телефонлар: (8-371) 250-40-56, 250-29-81.  
Почта: tvssb1@inbox.uz akbar1109@inbox.uz

### Банк реквизитлари:

Тошкент вилояти Газначилик бошқармаси умумий ҳисоб рақами: 23402000300100001010, Тошкент шаҳар Марказий банк бош бошқармаси МФО: 00014, СТИР: 201122919, ш/х: 400121860272877950100054001 (гаров пулини ўтказишга шартномалар тузиш учун), ш/х: 100021860272877072130054001 (маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш учун), СТИР: 200555593, ОКОНХ: 97400.

### Тендер (танлов) предмети.

Шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари, реактивлар, тиббий ашёлар ва сарфлаш материаллари, дезинфекцияловчи ҳамда антисептик воситалар, жами 49 турдаги дори-

дармон воситалари, тиббий ашёлар ва реактивлар.

Харид қилинаётган товарларнинг максимал баҳоси ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида ака эттирилади.

### Етказиб бериш шартлари.

Барча етказиб берувчилар учун: Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан белгиланган жойдаги омборларга тайёр маҳсулотлар етказиб беришлари шарт.

Етказиб бериш муддатлари тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда ака эттирилади.

Тендер (танлов) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер (танлов) ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм ва закатал (тендер таклифи қафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб 500 000 сўмдан 63 600 000 сўмгача ташкил этади.

Тендер (танлов) ҳужжатлари учун тўлов ва закатал тўлови пул ўтказиш йўли билан Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Тендер (танлов) таклифларини қабул қилишнинг охири мuddати — **2014 йил 30 май соат 15.00 гача.**

Тендер (танлов) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзил бўйича Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

5398/276

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

### компьютер техникаларини харид қилиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Таклифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган алоҳида ёпиқ конвертларда ва устки қисмига «Компьютер техникаларини харид қилиш бўйича танловга» сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши шарт.

Таклифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

**Танлов бўйича таклифлар 2014 йил 28 апрель соат 17.00 гача қабул қилинади.**

Танлов ҳужжатларининг баҳоси — 192 210 сўм (танлов ҳужжатлари учун ўтказилган пул қайтарилмайди).

**Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Дархонтепа к., 7-«А» уй. Телефон: (8-371) 120-86-26.**

Х/р: 21506000400189856007, МФО: 00014, ОКОНХ: 97200, СТИР: 200542017, ЎзР МБ Тошкент шаҳар ББ ХҚММ.

5778/283

## «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Очик аукцион савдосига Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 29 январдаги 15-13-10/23053-сонли ижро варақасига ҳамда Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 3 апрелдаги 15-0111817/2-сонли хатига асосан, «Марғилон Осиев Текс» МЧЖга қарашли ип-ийгирув тизими ва эҳтиёт қисмлари ҳамда Марғилон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 119-уйда жойлашган ишлаб чиқариш бино-иншоотлари, шунингдек, корхонанинг мажмуа асосий воситалари, мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

**Бошлангич баҳоси — 1 490 475 АҚШ доллари** ёки аукцион савдоси кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган расмий курс бўйича сўмдаги эквивалентда тўланиши мумкин.

Очик аукцион савдоси 2014 йил 14 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Очик аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар 2014 йил 11 апрелдан бошлаб ҳар кунини (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш — 2014 йил 12 май кунини соат 18.00 да тўхтатилади.

Мазкур кўчмас мулклар 2014 йил 14 май кунини сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 30 май кунини бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан Марғилон шаҳар суд ижрочилири бўлими вакили ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Фарғона бўлими мутахассислари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Очик аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдориди закатал пулини тўлов ҳужжатида мулк номи қўрсатилган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Effect real group» МЧЖнинг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943278001, МФО: 00500, СТИР: 302128329.

Талабгорлар барча савдолар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: «Effect real group» МЧЖ, Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй, «Effect real group» МЧЖ.

Телефон: (+99895) 404-54-84. ТИФ Миллий банки Фарғона вилояти бўлими телефони: (8-373) 244-22-69.

Хизматлар лицензияланган.

5792/219

## «Тошкент труба заводи» ҚК

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади.**

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).

**Сув ва газ ўтказувчи қувурлар** — ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

**Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар** — ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100, 150x150, 170x170.

**Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120, 80x150, 60x125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 850 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга таклиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Тошкент архитектура-қурилиш институтини жамоаси ва бирлашган касоба уюшма қўмитаси Архитектура тарихи ва назарияси кафедраси профессори, архитектура фанлари доктори **Тўлқин ҚОДИРОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институтини раҳбарияти ва касоба уюшма қўмитаси Силикат ва подир металлургия кафедрасининг профессори Темура Отақзиева турмуш ўрғони **Долорес БОЗОРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

### Бухоро вилояти филиали

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Жондор тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2013 йил 11 апрелдаги 20-1305/2458-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жондор тумани, Махмуд Таробий кўчаси, 199-уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони 1361,5 кв.м.дан иборат бино-иншоотлар мажмуаси (маъмурий бино, ишлаб чиқариш цехи бинолари, иситиш хонаси, ҳожатхона, иссиқхона (теплица), иккита айвон, ёқилги-мойлаш материаллари шохобчасидаги оператор хонаси) қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 221 594 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 15 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2014 йил 13 май кунини соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил:

Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.

Телефон: (8-365) 221-53-70. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ

### бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент ислом университетининг 2014 йил 2 апрелдаги 01-335-сонли бюротномасига асосан, университетга тегишли, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- «GA3-14 Чайка» русумли, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/014ЕСА бўлган автотранспорт воситаси.
- «GA3-3102» русумли, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/016ЕСА бўлган автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси — 8 700 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 14 май кунини соат 12.00 да бошланади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2014 йил 12 май кунини соат 18.00.

Автотранспорт воситалари 14 майдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 20 ва 26 май кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 20 майдаги савдолар учун — 17 май кунини соат 18.00 да, 26 майдаги савдолар учун — 23 май кунини соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси голиби деб топилган шахсга 15 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганини ҳаққидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамш кўчаси, 1-«А» уй.

Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz

Гувоҳнома № 006231.

5746/1452

